

# Маҳалла

1996 йилдан чиқа бошлаган \* 2013 йил 18 сентябрь. Чоршанба №79 (941) \* www.mahallagzt.uz \* info@mahallagzt.uz

**БРИФИНГ**

## САЙЛОВГА ПУХТА ТАРАДДУД КЎРИЛМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида: «Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидagi маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил мuddатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди», деб белгиланган.**

Шунга мувофиқ, фуқаролар йиғинлари раислари ва улар маслаҳатчиларининг ваколатлари мuddати шу йил ноябрь-декабрь ойларида туташ ўзбекистон Миллий матбуот марказида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига навбатдаги сайловни ўтказиш бўйича ташкил этилган брифингда айтиб ўтиди.

Таъкидлаш жоизки, бундан олдин ўтказилган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилишда талабчанликни кучайтиришда катта мактаб бўлди.

— Янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2013 йил 14 июндаги қарори билан фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушунириш иштини ташкил этишни назарда тутувчи тегишли тадбирлар режаси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига тавсиялар тасдиқланди, — дейди Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ

масалалари қўмитаси раиси Светлана Ортиқова. — Мазкур қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказишга қаратилган тизимли иш олиб борилади. 2013 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ўтқазилган сайловлар ҳар иккала қонунлар нормаларининг талабларига мувофиқ, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини демократлаштириш ва либераллаштириш, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида чуқурлашиб бораётган, сифат жиҳатидан янги ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий шароитда бўлиб ўтади.

Тадбирда олдинги сайловларда тўпланган тажриба ва қонун ҳужжатларининг талаблари ҳисобга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилингани таъкидланди. Унга кўра, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш мuddати 2013 йил ноябрь-декабрь ойлари этиб белгилангани, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режасини тасдиқлангани билдириди.

Толибжон НИЗОМОВ  
«Mahalla»

**МАҲАЛЛА — ОИЛАВИЙ БИЗНЕС МАРКАЗИ**



## ТАДБИРКОРЛИК ТУРМУШГА ФАЙЗ, ЮРТГА ЧИРОЙ БЕРАДИ

**Маҳалламизда миллий қадрият, урф-одат, аъноларимизни қадрлаган ҳолда хўжалик фаолиятини юритишга ҳар жиҳатдан мос келадиган оилавий бизнес марказларини ташкил этиш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.**

Айниқса, халқ амалий санъатининг дурдонаси — гилам ишлаб чиқаришда қўлигул хунармандларимиз ўзига хос тажриба тўлашган. Шу боисдан ҳам бизнинг Гулобод гиламлари довури дунёга таралган. Хоразмга, қадим Хиванинг Ичан-қалъасига ташириб буюраётган хорижлик сайёҳлар маҳалларимиз хунармандларининг қўл меҳрати билан тайёрлаган гиламларини энг қадрли совға сифатида севиб ха-

ранг, миллий нақшларни ўзида муржабман этган турфа гиламларга ҳамнинг ҳаваси келади. Бу ерда кунига йигирмадан зиёд гилам ишлаб чиқарилади. Ака-ука тадбиркорлар яна иккита қўшимча дастхўр ўрнатиб, ишчилар сони ва иш қўламини оширишга ҳиммати қилишганлар. Уларнинг ҳиммати билан маҳалламиз гузари таркибда ажойиб тўйхона қад ростлади. Шунингдек, улар оилавий бизнесдан келадиган соф фойда ҳисобидан моддий мадада муҳтож оилаларга ёрдам бериб туришади.

> [3]

**КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН**

## ОИЛА ҚЎРҒОНИ МУСТАҲКАМ БЎЛСИН



**Фуқаролар йиғини ҳузурдаги Яраштириш комиссияси маҳаллада маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, оила институтини янада мустаҳкамлаш, ёшларнинг баркамол инсон бўлиб вояга етиши ҳамда тўйлар ва бошқа маросимларнинг миллий қадриятларимизга хос тарзда ўтказилишига масъул бўлган жамоатчилик тузилмасидир.**

Кейинги йилларда маҳалларда изчил фаолият олиб бораётган ана шу комиссиялар томонидан амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар самараси ўлароқ, нотинч оилалар сони камайиб, ажралишларнинг олди олинди. Бу борада Андижон шаҳридаги «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам салмоқли ютуқларга эришилмоқда.

Йиғиннинг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Назирахон Отаҳужаева маҳалладаги Мавлудахон билан юракдан суҳбатлашишни дилга тугиб қўйган эди. Бойси, Мавлудахон беш-олти йил аввал шаҳарнинг биқинидаги Хакан қишлоғига келин бўлиб туш-

ганди. Мана бир ойдан ошяптики, ота уйда юрибди. Эртаси кунни кутилмаганда Мавлудахоннинг ўзи фуқаролар йиғини идорасига кириб келди.

Аваллига бироз ийманиб турган аёл, маслаҳатчининг самимий сўзларидан сунг дардини тўкиб солди. Маълум бўлишича, у эри Қахрамон билан аразлашиб қолибди... Шу пайтгача аҳил ва иноқ ҳаёт кечириб, 2 нафар қизини вояга етказётган эдилар. Қахрамоннинг дурдгорлик ҳунари ортидан топши-тутиши ҳавасқилудек бўлган. Аммо сунти кунларда рашк туфайли оилادا келиш-мовчилик авж олиб, Қахрамон ҳар сафар қўлига эрк бераркан...

> [4]

## ТИНЧЛИК ВА ТОТУВЛИК — ЮТУҚЛАРИМИЗ АСОСИ

**Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи катта қизиқиш билан ўрганилмоқда**

Давлатимиз раҳбари Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган байрам тантаналарида мустақиллик маъно-мазмуни, аввало ҳуқуқ эканини алоҳида таъкидлади: «Мустақиллик — бу ҳеч кимга қарам бўлмасдан, ўз миллий манфаатларимизни, узоқ ва давомли мақсадларимизни кўзлаб, иқтисодий-иқтисодийнинг барқарор суръатлар билан усини таъминлаш, аҳолимизнинг фаровонлигини, халқаро майдонда Ватанимизнинг обрў-эътиборини муносиб даражага кўтаришдир».

Айни кунларда «Маҳалла» хай-

рид жамоат фонди томонидан бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда давлатимиз раҳбарининг мазкур нутқида баён этилган фикрларни барча фуқаролар йиғинларида чуқур ўрганиш юзасидан кўплаб учрашувлар, анжуман ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги «Ширин» маҳалла фуқаролар йиғинида ана шундай маърифий тадбир бўлиб ўтди. Жумладан, солиқ ва ички ишлар ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган «Мустақиллик — энг аввало ҳуқуқ демак-

дир» мавзусидаги кўргазмали семинарда мустақилликни мустаҳкамлаш, огоҳ ва хушёр бўлиб, ён-атрофга дахлдорлик ҳисси билан яшашнинг ҳаётий зарурати ҳақида сўз борди.

«Ватан тақдири учун масъулимиз» мавзусидаги давра суҳбатиде маҳалла фаоллари, турли соҳалар вакиллари, кўпни кўрган отахон-отасоналар билан ҳудуддаги таълим муассасалари ўқувчилари ва ёшларнинг мулоқоти бўлиб ўтди.

> [2]

**КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ**

## АДОЛАТ ВА ОШКОРАЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

**2013 йил 12 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.**

Мазкур қарор билан 2013 йил ноябрь-декабрь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси таркиби тасдиқланди.

Мамакатимизда фуқаро-

бошқаришда фаол иштирок этишини таъминловчи фуқаролик жамияти институтига айланди.

Сайлов жараёнини янада демократлаштиришга, унинг очик ва ошкоралигини таъминлашга қаратилган янги таҳрирдаги «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашига фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш мuddатларини, сайловга тайёргарлик кўриш тадбирларини ўтказиш мuddатлари ва тартибини белгилаш, Сенат Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари

ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиясини тузиш ваколатлари берилган.

Мазкур сайловнинг аввалгилардан фарқи шундаки, бу жараёнда сайловлар давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини демократлаштириш ва либераллаштириш, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида чуқурлашиб бораётган, сифат жиҳатидан янги ижтимоий-иқтисодий ҳамда ижтимоий-сиёсий шароитда бўлиб ўтади.

Қолаверса, эндиги сайловлар жараёни янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва

унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун асосида ўтказилиши билан аҳамиятлидир.

Эътиборли жиҳати шундаки, бўлажак сайловда 9756 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 97 минг нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланиши режалаштирилмоқда. Бу эса ушбу сайловнинг қўламини ва аҳамиятини ниҳоятда катта эканидан далолат беради. Қонунга мувофиқ, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови ошкоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқий принциплари асосида ўтказилади.

> [3]



**ЮРТИНГ ОБОД — ДИЛИНГ ОБОД**

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ**

Мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига берилаётган эътибор бугун ҳар жабҳада ўзининг ҳаётбахш самараларини намойиш этмоқда. Жумладан, маҳаллалар илгори давлат органлари ваколатига кирган 30 дан зиёд вазифаларни муваффақиятли бажараётгани кўплаб муаммоларнинг ўз вақтида ва ижобий ечим топишида муҳим омили бўлаётди. Бу эса ҳудудларнинг жадал ривожланиши, аҳоли турмушининг фаровонлашувига хизмат қилимоқда.

Сахтиён қишлоғи Гурлан туманидаги сўлим масканлардан. 4 та маҳалла фуқаролар йиғинидан иборат ҳудуд 8 минг нафардан зиёд аҳолига эга. Бу ерда кейинги йилларда мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз берди.

Одамларнинг дунёқараши ўси, турмуш маданияти юксалди. Айниқса, маҳаллаларда турли сервис хизматларининг йўлга қўйилиши кишиларнинг кундалик ташвишларини камайтирди, уларга шаҳарлардагидан қолишмайидиган шароит яратди.

Авало, қишлоқнинг кофедек силпик ва раван йўлларида юриб, кўчалардаги ободончилик ва кўчаларимизнинг кўрган одам борки, руҳланиди. Айнан қишлоқ фуқаролар йиғини ташаббуси ва кўмагида кейинги уч йилда ҳудуддаги 2,5 км. узунликдаги ички йўллар таъмирланди, шунча масофага асфальт ётқизилди. Икки йил давомида магистраль ва ички йўл бўйларига 30 минг тупдан зиёд мевали ҳамда манзарали дарахт, 5 минг туп гул қўчати ўтқазилди. Бугун улар бароҳ яшнов, ҳудудимизга кўрк бериб турибди. Йиғинимиз ташаббуси билан ҳудуддаги қабристонларда катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишлари бажарилди. Ушбу савобли амал учун 12 миллион сўм миқдорда маблағ йўналтирилди.

Сахтиёнликларнинг табиий газ таъминотидаги узил-пирдан азият чекмасликлари учун тармоқнинг 2,5 километрга қувурлар алмаштирилди. Икки минг метр сув қувурининг янгиланиши эса, обихоёт танқислигини бартараф этди. Ўтган йиллар давомида маҳаллаларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида битта гузар, 2 та маиллий хизмат кўрсатиш шохбоси, 3 та сартарошхона, 3 та тикувчилик ва 4 та пойабзал таъмирлаш устохонаси фаолият бошлади.

Маҳаллалар азолдан хунармандларга маскан. Йиғинимиз кўмагида хунар эгаларини тадбиркорликка жалб этиш орқали 4 та темирчилик, 3 та мебелсозлик, 18 та тегирмончилик устохоналари ташкил этилди. Ҳудудимиз катта. Аммо илгори меҳмон келса, ноқулайликлардан хижолат тортардик. Кейинги йилларда кўркам ва замонавий мейморий ечимга эга 2 та овқатланиш шохбоси барпо этилди. Тўйхоналар қад ростлади. 4 та йирик савдо дўкони ишга тушиб, аҳоли ўзгирини яқинлаштирди.

Дарвоқе, қишлоғимизда амалга оширилаётган ишларда раисимиз Болтабой Давлатовнинг ташаббускорлиги, ишнинг қўзини билиши кўл келаетти. Йиғин аҳли ўндан миннатдор. Жорий йилда Б.Давлатовнинг Президентимиз формонларига биноан «Дўстлик» ордени билан тақдирланиши ҳар бир саҳтёнликни гурунларинирибгина қолмай, голдаги вазифалар ижросидаги масъулиятини ҳам оширди. Кейинги режаларимиздан қишлоғимизни янада гўзаллаштириш, аҳолини киняётган муаммоларга холисона ечим топиш, уларнинг ташаббуси ва иштироки билан кўлаб-қувватлаш каби ишлар мустаҳкам ўрин олган.

Кенжа БОТИРОВ,  
Гурлан тумани Сахтиён қишлоқ  
фуқаролар йиғини масъул котиби.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

АДОЛАТ ВА ОШКОРАЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ



лари, балки фуқаролар йигини органларининг бошқа ходимлари, шунингдек, фуқаролар йигини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодларнинг, фуқаролар йигини органлари бошқа ходимларининг яқин қариндошлари ҳам ишчи гуруҳ таркибига киритилиши мумкин эмас.

Фуқаролар йигини раиси ёки унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар ишчи гуруҳга аъзо шахслар ёхуд уларнинг яқин қариндошлари орасидан кўрсатилган тақдирда, улар ишчи гуруҳ таркибидан чиқарилади.

Ишчи гуруҳнинг ваколатлари ҳам кенгайтирилди. Яъни, эндиликда ишчи гуруҳга ҳовиллар, уйлар, кўчалар ҳамда шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овулардаги маҳалла аҳолиси умумий йиғилишининг иштирокчиларини рўйхатга олиш ҳамда фуқароларнинг сайланган вакиллари ҳақидаги маълумотларни курсатган ҳолда аҳолининг умумий йиғилиши баённомасини тузиш, тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда тегишли комиссияга тақдим этиш учун нафақат фуқаролар йигини раиси, балки унинг маслаҳатчилари лавозимига ҳам номзодлар бўйича тақдирлар тайёрлаш, бўшаб қолган уринларга фуқаролар йигини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилишини ташкил этиш каби янги ваколатлар ҳам берилди.

Фуқаролар йигини раиси лавозимига номзодлар курсатиш тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикри инобатга олинган ҳолда ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади. Номзодлар кўрсатиш жараёнидаги янгиликлар шулардан иборатки, ишчи гуруҳ фуқаролар йигини раиси лавозимига номзодларга доир ҳужжатларни тайёрлайди ва туман (шаҳар) ҳокими билан келишиш учун тегишли комиссияга сайловдан камида ўн кун олдин тақдим этади.

Хужжатлар ҳамда фуқаролар йигини раиси лавозимига номзодларнинг ўз номзоди кўрсатилишига ёзма розилиги илова қилинади. Шунингдек, туман ёки шаҳар ҳокими фуқаролар йигини раислари лавозимига тақдим этилган номзодларнинг ҳужжатларини кўриб чиқади ва уларнинг ишчи гуруҳга бўйича асосангирилган ҳисоблари ни кейинчалик ишчи гуруҳларга топшириш учун тегишли комиссияга юборади.

Фуқаролар йигини (фуқаролар вакиллари йиғилиши) ўтказиш тартибига ҳам узгартирилди. Хусусан, фуқаролар йигини (фуқаролар вакиллари йиғилиши) ишчи гуруҳнинг раҳибари раислигида ўтказилади.

Фуқаролар йигини (фуқаролар вакиллари йиғилиши) кун тартибига, қандай тартибда, олий маълумотли, бевосита сайловга қадар камий да беш йил тегишли ҳудудда доимий яшайётган, ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларида ёхуд тадбиркорлик ва бошқа ҳужжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига, шунингдек, ҳаётий тажрибига ва аҳоли ўртасида оғури эътиборга эга бўлиши керак.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз, деб топилган, оғир ёхуд ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланган ёки судланганлик олиб ташланган шахслар, шунингдек, уларнинг ҳўкими билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётганлар, ҳақиқий ҳарбий хизматдаги шахслар, диний ташкилотларнинг профессорлар йигини раиси лавозимига сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

Яна бир ўзгариш: фуқаролар йигини раиси маслаҳатчилари лавозимига номзодлар курсатиш тартибига ўзгартирилди. Хусусан, фуқаролар йигини раиси лавозимига номзодлар курсатиш тартибига ўзгартирилди. Хусусан, фуқаролар йигини раиси лавозимига номзодлар курсатиш тартибига ўзгартирилди.

Фуқаролар йигини раиси лавозимига номзодлар курсатиш тартибига ўзгартирилди. Хусусан, фуқаролар йигини раиси лавозимига номзодлар курсатиш тартибига ўзгартирилди.

Фуқаролар йигини раиси лавозимига номзодлар курсатиш тартибига ўзгартирилди. Хусусан, фуқаролар йигини раиси лавозимига номзодлар курсатиш тартибига ўзгартирилди.

лар бўйича овоз бериш ўтказилганидан кейин, фуқаролар йигинида (фуқаролар вакиллари йиғилишида) раислик қилувчи фуқаролар йигини раисининг маслаҳатчилари лавозимига номзодларни алифбо тартибиде овозга қўяди.

Фуқаролар йигини раиси ёки унинг маслаҳатчилари сайловлари яширин овоз бериш орқали ўтказилаётганда фуқаролар йигини (фуқаролар вакиллари йиғилиши) иштирокчиларига саноқ комиссияси томонидан сайлов бюллетенлари берилди.

Бюллетенга фуқаролар йигини раиси ёки унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибиде киритилади.

Бюллетенлар бевосита овоз беришдан олдин тарқатилади. Бюллетень овоз беришчи томонидан яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида тўддирилади. Аввалги сайловларда овоз беришчи ўзи қарши овоз бераётган номзодларнинг бюллетендаги фамилиясини учирар эди. Эндиликда овоз беришчи бюллетеннинг ўнг томонида, ўзи ёқаб овоз бераётган фуқаролар йигини раиси ёки унинг маслаҳатчилари лавозимига номзоднинг фамилияси қаршида жойлашган бўлиб тургандагина белги қўяди.

Бундан ташқари, фуқаролар йигинида (фуқаролар вакиллари йиғилиши) раислик қилувчи фуқаролар йигини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодларнинг эълон қилгандан кейин йигин раиси лавозимига номзодларнинг ҳар бирига ўзининг келгуси фаолият дастурини эълон қилиш учун алифбо тартибиде сўз беради.

Фуқаролар йигини раиси лавозимига номзодлар ўзининг келгуси фаолият дастурини эълон қилиши лозимлиги тўғрисидаги қонданинг киритилганлиги фуқаролар ўки бу номзодни сайлаш масаласида тўғри ёндашишига, номзоднинг фуқаролар йигини фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги режаларини хабардор бўлишига, шунингдек, агар раис бўлиб сайланган тақдирда, унинг фаолиятини назорат қилиб боришига замин яратди.

Овоз беришни ўтказиш тартибига киритилган ўзгаришга мувофиқ, фуқаролар йигини раиси ёки унинг маслаҳатчилари сайловида очиқ овоз бериш усули танланса, овоз бериш ҳар бир номзод бўйича қўл кўтариш йўли билан ўтказилади. Бунда фуқаролар йигинида (фуқаролар вакиллари йиғилишида) раислик қилувчи фуқаролар йигини раиси лавозимига номзодларни аввалги сайловлардагидек тақдирларнинг келиб тушиш тартибига қараб эмас, балки алифбо тартибиде овоз бериш жараёнида фуқаролар йигини раиси лавозимига номзодларнинг эълон қилган тақдирда, унинг фаолиятини назорат қилиб боришига замин яратди.

Хулоса қилиб айтганда, сайловни қонунга мувофиқ, юксак ташкилий-ҳуқуқий ва демократик даражада ўтказиш учун фуқаролар йигини раислиги институтлари тизимидеги ўрнини янада мустақимлашга ҳамда юртимизда кучли фуқаролар жамиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Эркин РҮЗМЕТОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқола) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссия аъзоси, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

СИЗДА ҚАНДАЙ ТАЖРИБА БОР?

МУВАФФАҚИЯТ ФИДОЙИЛИК НАТИЖАСИ



Нурсух қишлоғи ҳақида гап кетганда, барча бу ҳудуднинг ўзгача ҳаёт тарзи, меҳнатсевар, фидойи инсонлари, оқилу доно кишилари ҳақида жўшиб сўзлайди. У Ўзбекистон туманидаги қадимий ва кўҳна масканлардан.

Қишлоқда деҳқончилик, айниқса, ўзумчилик азаддан ривожланган. Ҳатто қишлоқ номи ҳам шу билан боғлиқ. Яъни, уфқдан бош кўтарган қуёш ҳовилилардаги тоқ баргларида тушиб, ерга соя бергани учун «Нурсу» яъни «Қизил нур» маъносига юзага келган, дея тахмин қилинади.

Ўзбек адабиётининг етук намояндаси — Муқимий асарларида қадим масканнинг яқин атрофидаги жамоли ҳақида сўз борган. Муқимий, истиқбол туфайли меҳнатдан бахт топган 20 минг нафардан ортиқ аҳолининг турмуш тарзи тамомиле янгилашга қўйиб келган эди. Пастқам уйлар ўрнида қад кўтарган намунавий турар-жойлар, кўча ва хиёбонлар, маҳалла гузарлари кўзни қувнатди.

Игнанимиздаги ободлик боис «Энг намуналий фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг республика босқичида иккинчи ўринни қўлга киритди. Бу кейинги йилларда ҳудудимизда юз берган ижобий ўзгаришлар, камтарона меҳнатимизга юксак эътиборнинг амаладаги ифодасидир.

Сирасини айтганда, танлов голиблари сафидан жой олиш осон кечмади. Чунки мамлакатимизнинг барча фуқаролар йигинлари ҳудудлари бутунги кунда улкан бунёдкорлик, ободонлаштириш ва тараққиёт майдониға айланган. Шулар қаторида, бизнинг аҳоли турмуш даражасини кўтариш, ҳудуд инфратуризмий яхшилаш борасида амалга оширган ишларимиз, эришган муваффақиятларимиз кўпга манзур бўлганидан хурсандимиз.

Бунинг замирида аҳоли ҳамжihatлигини таъминлаш, илгор иш тажрибаларини омалаштириш, узаро қўлаб-қувватлаш борасидаги сай-ҳаракатлар йўлида қилинган фидокорона меҳнат мужассам.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — БОШ МЕЗОН

«МЕҲНАТ»НИНГ МЕҲНАТИ БЕСАМАР КЕТМАЯПТИ

Нигора Садированинг бошига мушкул иш тушди: турмуш ўртоғи автоҳалокат туфайли оламдан ўтди. Маҳалла раиси Бахтиёрхон Қирғизбоева таъзияга келганида хонадондаги шароитни кўриб, оиллага кўмак зарурлигини дилдан ҳис этди.

Андижон шаҳридаги «Меҳнат» маҳалла фуқаролар йигини раиси Бахтиёрхон Қирғизбоева ўз ишига масъулият билан ёндашадиганлардан. Шу боис мазкур масала юзасидан дарҳол маҳалла ҳузурдаги Ижтимоий қўлаб-қувватлаш бўйича комиссия аъзоларини жалб этиб, шаҳардаги Миллий банк ҳодимлари билан боғланди ва Н.Садировога имтиёзли кредит ажратилишига қўлаб-қувватлашди. Натижанда Нигорахон ўз уйда тикувчилик цехини очди. Иши бироз изга тушиб олгунга қадар унга моддий ёрдам пули ажратилди.

Маҳалламизда қарийб олтинчи аҳоли яшайди, — дейди Б.Қирғизбоева. — Шундан 70 га яқин ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларди. Уларга ҳар йили маҳалла ва ҳомийлар маблағи ҳисобидан камида 20 миллион сўмдан зиёд ёрдам кўрсатилади. Қолаверса, йиғиндаги Ижтимоий қўлаб-қувватлаш бўйича комиссия фаолиятларининг ташаббуси билан ёлғиз кесаларнинг уйларини ташкирлаб бериш, уларнинг рўзгор ишларига қарашли учун маҳалламиз йиғитқизларидан иборат «Мадад» гуруҳи тузилади.

Чиндан-да, маҳаллада ким билан гаплашманг, комиссия фаол- Абудумтал АБУДУЛЛАЕВ «Mahalla»

ТИНЧЛИК ВА ТОТУВЛИК — ЮТУҚЛАРИМИЗ АСОСИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи катта қизиқиш билан ўрганилмоқда

«Ширин» маҳалласида истеъдодли ва салоҳиятли ёшлар кўп. Сузиш бўйича кўп қарра Ўзбекистон чемпиони Анна Плюсова — маҳалла фахри.

— Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда спортни, жумладан, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор қиларининг спорт билан мунтазам шуғулланишида ҳам муҳим оим бўлмоқда, — дейди Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг 3-босқич талабаси А.Плюсова. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада спорт мусобақаларида голиблар сафидан жой олганидан фахрланаман. Мақсадим — бутун куч-ғайратини ишга солиб, Ватанимиз байроғини жаҳон спорт майдонларида баланд кўтариш, жаҳон чемпиони бўлиш!

Маҳалла ҳудудидаги 287-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Озода Ҳужабоева фанларни пухта ўзлаштириш, спорт билан мунтазам шуғулланишдан ташқари, бадий адабиётга — шеърлар машқ қилишга жуда қизиқади. Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллиги байрами арафасида унинг «Ватан, сен истаган фарзанд бўлман» китоби нашрдан чиқди. Келгуси йил мактабни тамомлаб, хорижий филология йўналишидаги академик лицейда ўқишни мақсад қилган Озода инглиз тилини ҳам пухта ўрганмоқда.



Юртбошимизнинг Мустақиллик байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табригиде биз, ёшларга қарата: «Маррани доимо баланд қўйиб яшанг, азиз болаларим, дэвр бизники, марра бизники!», деган сўзлари эзгу орзуларимизга мустаҳкам қанот бағишлайди, — дейди О.Ҳужабоева. — Президентимиз «сизлар учун, сизларнинг бахту сародатингиз учун бутун борлигини бағишлашга ҳам тайёрман», дедилар. Биз, ёшлар давлатимиз раҳбарининг бу юксак ишончини оқлаш учун бор куч-ғайратимизни сафарбар этишга ҳамиша тайёрмиз.

Оилавий тадбиркор Мавлуда Мамарасулова тадбиркорларга яратилган имкониятлардан кенг фойдаланиб, яқинда тикув цехи очди. Ундан ортиқ киз иш билан таъминланди. — Келгусида банк кредитидан фойдаланиб, фаолиятимизни янада кенгайтиришни мақсад қилганмиз, — дейди М.Мамарасулова. — Чунки юртимиз тинч, осмонимиз мусарфоқ, тадбиркорлик билан шуғулланаман, деган инсонга барча йўлар кенг очилди. Бундай кенг ва улкан имкониятлар барчамизни Ватанимиз мустақилли-

ҲАМКОРЛИК

# ИЖТИМОЙ ТАШАББУС — ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР АСОСИ



улгайиб келаётган ёш авлоднинг спорт билан шуғулланиши ва саломатлигини мустақамлаш, болаларни маънавий-тимизга ёт турли таъсирлардан муносиб ҳимоялаш кўзда тутилган. Аҳоли ҳам бу каби тадбирларда ушқоқлик билан иштирок этмоқда.

Бундан ташқари, «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми»нинг Обод турмуш йилида ўтказилган кўшма тадбирлар режасига мувофиқ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, «Ўзбекистон ипаги» уюшмаси, «Аёллар кенгаши» ва Микро-молиялаш институтлари миллий уюшмаси каби ташкилотлар билан биргаликда «Оилавий тадбиркорлик — жамият тараққиёти гарови» лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Мазкур лойиҳа оилавий тадбиркорлик ва оилавий корхоналарда касаначилик асосида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилган. Шунингдек, ушбу лойиҳа нафақат оилавий тадбиркорлик соҳасида муносабатларни мувофиқлаштириши, балки оилавий корхона иштирокчилари ва ёлланма ходимларининг ижтимоий муҳофазаси, фаолият эркинликлари каби масалаларни ҳам қамраб олади.

«Оилавий тадбиркорлик — жамият тараққиёти гарови» лойиҳасидан қўзланган мақ-

Дилдора ҚАРШИБОВЕВА  
«Mahalla»

ЎСМИР ВА ЖАМИЯТ

# НАВҚИРОН АВЛОД ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА



Эртанги кун эгалари — ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан. Давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳам фарзандларнинг сифатли таълим-тарбия олишига қаратилгани билан аҳамиятлидир.

«Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун бу борада белгиланган вазифаларга масъулият билан ёндашишга, ўғил-қизлар тақдирига бепарқ бўлмасликка даъват этади. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди фаолиятдан ёш авлод вакиллари, хусусан, вояга етмаганлар билан ишлаш борасида аниқ тизимли чора-тадбирлар ўрин олган.

Вояга етмаган ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни ҳунар ўрганишга кенг жалб этишда нафақат оила, балки жамоат ташкилотларининг ҳам иштироки зарур. «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бу борада тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Қонуннинг Фонд бўлим ва бўлимчалари томонидан тарғиб этилиши маҳалла-ларда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бу йўналишда давлат ва жамоат ташкилотлари, жумладан, оила, маҳалла, таълим муассасаси ҳамкорлигини кучайтиришга омил бўлаётган. Қолаверса, вояга етмаганларнинг фойдали машғулотларга жалб этиш орқали ҳам қўлаб ноҳушиликларнинг олди олинаётган.

Фонд ҳудудий тузилмалари томонидан вояга етмаганларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтидор ва салоҳиятларини юзага чиқаришга қўмақлаштиришга хайри вазифалар иччил амалга ошириляётган, — дейди Фонд республика бўлими бош мутахассиси А.Азизов. — Ўзбекистон Республикаси «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддаси вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирокига бағишланган. Унда мустақамланган ҳоҳдаларга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида вояга етмаганларнинг маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, жисмоний, меҳнат тарбиясида иштирок этади, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қўмақлашади,

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар билан мунтазам ҳамкорлик қилади.

Мамлакатимиздаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ушбу вазифалар иччиллик билан бажариб келинаётгани ёш авлод вакиллари, хусусан, вояга етмаганлар билан ишлаш борасида аниқ тизимли чора-тадбирлар ўрин олган.

Вояга етмаган ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни ҳунар ўрганишга кенг жалб этишда нафақат оила, балки жамоат ташкилотларининг ҳам иштироки зарур. «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бу борада тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Қонуннинг Фонд бўлим ва бўлимчалари томонидан тарғиб этилиши маҳалла-ларда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бу йўналишда давлат ва жамоат ташкилотлари, жумладан, оила, маҳалла, таълим муассасаси ҳамкорлигини кучайтиришга омил бўлаётган. Қолаверса, вояга етмаганларнинг фойдали машғулотларга жалб этиш орқали ҳам қўлаб ноҳушиликларнинг олди олинаётган.

Фонд ҳудудий тузилмалари томонидан вояга етмаганларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтидор ва салоҳиятларини юзага чиқаришга қўмақлаштиришга хайри вазифалар иччил амалга ошириляётган, — дейди Фонд республика бўлими бош мутахассиси А.Азизов. — Ўзбекистон Республикаси «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддаси вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирокига бағишланган. Унда мустақамланган ҳоҳдаларга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида вояга етмаганларнинг маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, жисмоний, меҳнат тарбиясида иштирок этади, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қўмақлашади,

Ю.ҲОЖИЕВА  
«Mahalla»

Ёш авлодни жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш йўлида жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Бунда, айниқса, янгидан-янги спорт йўндоғлари ва майдончалари барпо этишга эътибор қаратилаётгани янада қувонарли.

Жорий йилнинг ёз ойларида «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ҳамкорлигида ўтказилган «Ҳар бир маҳаллада спорт майдончалари» акцияси ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилгани билан аҳамиятлидир.

Таъкидлаш жоизки, «Обод турмуш йили» Давлат дастурига мувофиқ, ҳар бир туман (шаҳар)да 2 тадан 4 тагача, ҳар

кида жойларда 100 та янги минни стадион барпо этилди.

— Спорт майдончаларининг тантанали очилиш тадбирлари юртимизнинг барча ҳудудларида бўлиб ўтмоқда, — дейди «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» ижрочи директори Азизахон Хўжаева. — Хусусан, Қарши шаҳрининг Махтумқули номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида барпо этилган спорт майдончаси иш бошлаш арафасида. Ҳамкор ташкилотлар ҳамда ҳомийлар томонидан ёшларга спорт формалари, тулпар, теннис ракеткалар, зарур анжомлар соғва қилинди.

Дарҳақиқат, мазкур ижтимоий ташаббуслар замирида

МАҲАЛЛА МАРКАЗИ

# ЗАМОНАВИЙ ГУЗАРЛАР НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАДА

Жойларда маҳалла марказларини ташкил этиш борасида кенг қўламли ишлар бажарилмоқда. Қизилтепа туманида юртимиз мустақиллигининг 22 йиллик байрами арафасида 5 та маҳалла маркази фойдаланишга топширилди.

— Маҳалла фуқаролар йиғинларининг ўз биноси бўлиши ва моддий-техник базаси яхшиланиши тизимнинг нуфузини ошириши шубҳасиз, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг туман бўлими раиси Шокир Ҳабибов. — Бу нафақат тезкор ва сифатли ишлаш омили, балки одамларнинг дунёқарашини ҳам юксалтиради. Чунки ўзимиз яшаётган, ишлаётган шароитимизга қараб фикр доирамиз, қарашларимиз ўзгариши, мақсадларимиз ҳам шунга яраша улгувор бўлиши табиий.

Айни пайтда туманининг «Сарой», «Маликობод», «Тошмачит», «Пахтаобод», «Оқрабоб» ва бошқа қатор маҳаллалари ўз марказига, замонавий гузарига эга.

— Марказда маҳалла фаолиятини янада такомиллаштириш, фуқаролар билан самарали ишлаш учун барча шароитлар яратилган, — дейди «Оқ мачит» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мавжуда Шарипова. — Бу ерда йигин раиси, профилактика ноэри, маслаҳатчи, масъул котиб ва посбонлар сардори учун алоҳида хоналар, шунингдек, мажлислар зали мавжуд. Эски бинонинг ўрнида ана шундай муҳташам янги бино барпо этишда ҳомийлик қилган «Рисолат Ёқуб» ҳамда «Адиб бобо» фермер хўжаликлари раҳбарлари-

нинг улгурди.

— Гузарнинг барпо этилиши нафақат қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, балки 25 кишининг иш билан таъминланишига ҳам имкон яратди, — дейди Мавжуда опа. — Айни пайтда ҳудудимизда «Адиб бобо» ҳамда «Ҳафариён баракали замини» фермер хўжаликлари ҳомийлигида бозор қуриляпти. Ҳам сотувчи, ҳам харидор учун қулайликларга эга, замонавий услубдаги ушбу бозор «Оқ мачит»нинг қўлига янада кўрак қўшади.

Ҳа, маҳалланинг кун сайин чирой оцаётгани рост. Утган йили фойдаланишга топширилган 25 та намунали уйдан иборат турар-жой массивлари эса ҳудуд қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди.

Холбиби САФАРОВА  
«Mahalla»



МАҲАЛЛА — ОИЛАВИЙ БИЗНЕС МАРКАЗИ

# ТАДБИРКОРЛИК ТУРМУШГА ФАЙЗ, ЮРТГА ЧИРОЙ БЕРАДИ

< [1]

Яна бир тадбиркор ва ташаббускор инсон — Ҳамдамбек Саидов ҳам шу маҳалладан. Хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришга астойдил бел болаган бу изланувчан йигитнинг гилам ишлаб чиқарадиган корхона қуриш истagini билгач, ёрдам бердик. Бу борада янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасига асосан иш тутдик.

Мазкур қонун талабларига мувофиқ, йигинимиз қошида ташкил этилган тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қўмақлашши бўйича маслаҳат маркази томонидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди. Ҳамдамбек «Халқ банки»дан кредит олди. Ўз шахсий жамғармасидан ҳам маблағ сарфлагани ҳолда туман ҳокимлиги томонидан ажратиб берилган жойда кўркам бино қурди.



қониятлари ортиб, моддий таъминоти юксалаётган.

Шу кунларда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими масъул ходимлари, ҳуқуқшунослар, мутасадди идоралар вакиллари билан биргаликда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун ва

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурдаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қўмақлашши бўйича маслаҳат марказининг намунавий Низоми» мазмун-моҳиятини кенг қўламада тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Хонадонларда ҳунармандчиликни йўлга қўйиш орқали оилавий бизнес тобора ривож топаётган.

Шоназар ОМЛОБЕРГАНОВ,  
Хоразм вилояти Янгиариқ туманидаги Гулобод қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

# Тарбияда масъулият барчага баробардир

Истиқлол боис ёш авлоднинг муносиб таълим-тарбия олиши, саломатлиги ва ижтимоий муҳофазасига катта эътибор қаратилди. Қолаверса, вояга етмаганлар билан ишлаш ҳар бир ташкилот ва муассасанин фаолият йўналишидан ўрин олди.



Дарҳақиқат, болажон ҳақимизда фарзанд тарбияси фақат оилавий вазифа эмас, у қўни-қўшни, бутун маҳалла-кўй иштирокида бажарилган. Айниқса, қадрдон масканнинг тарбиявий аҳамияти айни пайтда тобора кучайиб бормоқда.

Мен бир неча йилдан буён Шўрчи тумани «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳузурдаги «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмаси сардори лавозимида ишлаб келмоқдаман. Ҳудудда вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар, жиноятчиликлар ёки бошқа гайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир бўлишининг олдини олиш мақсадида ўзига хос тажриба тупланган.

Аввало, ноҳус оқибатларга олиб келадиган омилар ва номақбул шароитларни аниқлашга маҳалланинг каттагон кичиги бош қўшади. Ёшлар ўртасида профилактик тадбирларнинг иччил йўлга қўйилиши келажагимиз эгаларини нотўғри қадам босишдан қайтараяпти. Беш йилдирки, маҳалламизда бирорта ҳам ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик билан боғлиқ ҳолат кузатилмади. Бу ютуқлар тизимли фаолият юритаётганимиз натижаси, албатта.

Бу борадаги ишларни амалга оширишда туман ҳокимлиги ҳузурдаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, суд-ҳуқуқ органлари, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамкорликда

фаолият юртияпмиз.

Аҳолининг ҳуқуқий маданияти қанчалик юксалса, қонунбузилиш ҳолатлари кўрсаткичи шунчалик камаяди. Миллий қонунчилигимиздаги вояга етмаганлар манфаатларини кўзловчи қўлаб қонун ва қонуности ҳужжатларининг тарғиботи, ҳуқуқий саводхонликни оширишга бағишланган тадбирлар, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақида мутахассислар иштирокидаги суҳбатларда усмирлар оқни қорадан, яхшини ёмондан ажратиб кўнукмасини эгалаётганлар.

Саккиз нафар посбон — тинчлик ва осойишталик учун қайғурадиган, сергайрат, кўнгилли йигитлардан иборат жамоат тузилмаимиз доимо фаол ва сергак. Ҳар бир вазиятдан бохабар бўлиш ва ҳолисона ҳулоса чиқариш учун 14 нафар кўча бошлиги бизга яқин кўмақдош. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини таъминлаш билан самарали масъулият билан бажаришга, ҳудудимиз тинчлиги ва аҳоли осойишталигини таъминлашга интилоқдамиз.

Уроқ УТАГАНОВ,  
Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмаси сардори.

МУРУВВАТ

Саёҳат таассуротга бой бўлди



«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ҳамда унинг ҳудудий тузилмалари томонидан кам таъминланган оила фарзандлари, шунингдек, таълим муассасаларида юқори натижаларни қўлга киритган ўқувчи ва талабаларни юртимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлари уюштирилмоқда.

Яқинда ана шундай тадбир Фонднинг Тошкент вилояти бўлими ташаббуси билан амалга оширилди. Мустақиллик байрами арафасида вилоятдаги кам таъминланган оилаларнинг 70 нафар фарзанди мамлакатимиз пойтахти бўйлаб саёҳат қилдилар.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилган бу ташир ишчиликчилари дастлаб Тошкент шаҳридаги Амир Темур хибони ҳамда Мустақиллик майдонида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танидилар. Шундан сўнг

ёшлар Ўзбекистон тарихи давлат музейида бўлиб, узоқ йиллардан буён сақлаб келинаётган осори-атиқалар ҳамда экспонатлар ҳақида қизиқарли маълумотларга эга бўлишди. Шунингдек, Тошкент хайвонот боғига қилинган саёҳат ўсмирларда катта таассурот қолдирди.

Бундай саёҳатлар ёшларнинг бой маданий тарихимизга оид билимларини ошириш баробарида уларнинг буш вақтларини мазмунли ўтатишига ҳам хизмат қилмоқда.

Иброҳим БЕК «Mahalla»

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

ОИЛА ҚЎРҒОНИ МУСТАҲКАМ БЎЛСИН

< [1]

Н.Отаҳужаева бу сўзларни диққат билан тинглаб, «Эртага Хакан қишлоғига бориб, масалани ўша жойда ҳал қиламиз», деди. Бўлиб ўтган барча воқеалар ипидан игнасигача муҳокама қилинди. Икки қизнинг отаси, қўлида гулдай ҳунари бор йигит ер чизиб қолди. Узр сўради. Охир-оқибат, эр-хотин ярашиб, оилада хотиржамлик бошланди.

Назираҳон опа орадан бир ҳафта ўтиб, ўша хонадондаги аҳволни яна суриштирди. Тинч-тотувликдан кунгли таскин топди.

«Наврўз» маҳалласида 7 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. 1 минг 272 оила, 850 та хонадон бор. Ҳудуддаги иккита саноат корхонасининг ётоқхоналари ҳам 98 оила яшайди. Йил бошидан бери нотинч, деб топилаётган оилалардан ажралиш билан боғлиқ 6 та ариза тушди. Уларнинг 4 таси ижобий ҳал этилди, яъни муурожаат этганлар ўз аризаларини қайтариб олишди. Қолган 2 таси ҳам шу кунларда ижобий яқун топиш арафасида.

Маҳалла фуқаролар йиғини қoшпидаги Яраштириш комиссиясининг 11 нафар аъзоси бор. Унга йиғин раиси Муҳаббатхон Мавлонова бошчилик қилади. Ҳудуддаги 32-мактаб директори

Дидораҳон Икромова, маҳалла имом-хатиби Аслиддин Асқаров, профилактика инспектори Илҳомжон Тургунов ҳамда намуна оила вакиллари ҳамжиҳатликда кўплаб муаммоларни бартараф этишмоқда. Маҳалладаги Хайдаровлар хонадонидан 3 нафар келин яшайди. Улардан бири — Хуршидаҳон аразаб ота уйига кетиб қолди. Яраштириш комиссияси аъзолари бориб, сабабини суриштирдилар. Ҳаммаси уй-жой муаммосига бориб тақалар экан. Учта келин бўлгандан кейин, алоҳида-алоҳида яшасам дейди-да. Уртада янги бир кotteж бўлиб, жанжал шу турар-жойда яшашга барча келин талабгорлигидан келиб чиққан. Комиссия аъзоларининг аралашуви билан бу муаммо одилона ҳал этилди.

Кишиларнинг оилада тинч-тотув, ҳамжиҳатликда яшашига кўмаклашиш, оилавий низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, ёш авлодини соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини миллий ва маънавий қадриятларимизга таъна қилган ҳолда кенг тарғиб этиш комиссияси фаолиятида муҳим ўрин тутди.

Оилавий низоларнинг ёшлар тарбиясига кўрсатадиган таъсирини инобатга олган ҳолда хонадон бошлиқлари ва бекалари билан алоҳида суҳбатлар, тушунти-



риш ишлари олиб бoрилмоқда.

Йигит ва қизларни оила қуришга руҳий-маънавий жиҳатдан тайёрлаш, никоҳдан ажралишларни камайитириш бўйича тарғибот ишлари ташкил этилаётгани, оиланинг муқаддаслиги ёшлар онгига синдирилаётгани, ёлғиз оналар ва боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларини ижтимоий ҳимоялаш бўйича фуқаролар йиғинига тақлифлар киритилаётгани эътиборга молик. Андижон шаҳрида 74 та ма-

ҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Уларнинг ҳар бирида Яраштириш комиссияси фаолият олиб бoраётир. Мазкур комиссияларда жорий йилнинг ўтган даврида 200 дан зиёд масалалар муҳокама қилинди. Уларнинг 115 таси оила-турмуш доирасидаги муаммолардир. 120 дан зиёд оилалардаги аҳвол муҳокама қилиниб, уларнинг 104 тасида нотинчликларга барҳам берилди. 48 та оила ажралиб кетишидан сақлаб қолинди.

Бир сўз билан айтганда, фуқаролар йиғинлари ҳузурда фаолият юритадиган турли йўналишлар бўйича комиссиялар салоҳияти тобора кучаймоқда. Маҳалла эса, юксак маънавиятли инсонларнинг эл-юрт фаровонлиги йўлидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаб, уларни ҳаётга жорий этишдагинагина айланмади.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ «Mahalla»

БИЛАСИСИМИ?

«Чорсу» — минг ёшли маҳалла

Юртимиздаги қадимий маҳаллалардан бири бўлмиш «Чорсу»нинг номлашида ўзига хос тарих мавжуд. «Чорсу» маҳалла сифатида XI асрда шаклланди.

Ўша пайтлари ушбу ҳудуд «Тиканлизор», «Чуқурқишлоқ» маҳаллалари билан қўшни бўлиб, унга шаҳарнинг ҳамма дарвозаларидан йўللар келиб туташиган ва савдо расталари бўлган. Унинг атрофида аҳоли турар жойлари кўпайган, турли даврларда ҳар хил номланган. Мустақиллик шарофати билан «Чорсу» номи яна қайта тикланган.

Қадимшунос С.Қораев маълумотига кўра: «Чорсу» қадимий сўз бўлиб, зардуштиларнинг муқаддас китоби — «Авесто»да Човурсук (турт томонлама)

шаклида учрайди ва бозор маъносини аниқлатади. Кейинчалик бу сўз «Чоҳарсу» ва ниҳоят «Чорсу» шаклига айланган. Форс тилидаги манбаларда «чоҳарбозор» — «чорбозор» деган сўз ҳам учрайди. «Сук» сўзи араб тилида «бозор» маъносини аниқлатади. Урта аср Шарқ шаҳарларида икки йирик кўча кесилган жой «Чорсу» (форс тилида) дейилган. Одатда бундай жойларда савдо расталари, хунармандларнинг дўконлари бўлган.

Нилуфар ЮНУСОВА «Mahalla»

Advertisement for «Mahalla» lottery. Title: «Mahalla» ҳар бир хонадонга! Includes details about the lottery, prizes, and contact information.

Advertisement for «Dunyo Bujlab» (World Experiment). Features a globe and the text «Dunyo Bujlab».

Мажмуада отишма

АҚШ ҳарбий-денгиз кучларининг Вашингтондаги мажмуасида юз берган отишма натижасида 13 нафар киши қурбон бўлди, 8 нафар киши тан жароҳати олди.



Ҳалок бўлганлар орасида отишмани бошлаган жиноятчи ҳам бор. Федерал текширувлар бюросининг маълум қилишича, у аввал ҳарбий-денгиз кучларида хизмат қилган 34 ёшли

Аарон Алексис экан. Унинг бир ўзи ҳаракат қилганими ёки шериклари ҳам бўлганими, бу ҳозирча ноаниқ. Аввалроқ мазкур ҳодиса бўйича икки киши қидириляётгани хабар қилинган.

Хужумчи қўриқладиган бинога қандай киргани номаълум. Содир бўлган воқеа сабабини Вашингтондаги кўплаб ҳукумат муассасаларида хавфсизлик чоралари кучайтирилган. Бироқ расмийларга кўра, бу нохуш ҳодисани террорчилик хуружи сифатида талқин қилишга асос йўқ.

Узоқ танаффусдан сўнг...

Эрон ташқи ишлар вазири Муҳаммад Жавад Зариф Техрон ўзининг мунозарали ядровий дастури борасида АҚШ билан «ўзаро ишонч урнатилган» тийёр эканини билдирди.



Зарифнинг ушбу сўзлари Ливаннинг «Al-Mayadeen» телеканалда берилган. Бир кун аввал

АҚШ Президенти Барак Обама АҚШнинг «ABC» телеканалга берган интервьюсида Эрон Президенти Ҳасан Руҳоний билан ўзаро мактуб алмашганларини маълум қилган эди.

БМТ Бош ассамблеясининг 24 сентябрдаги йиғинида Обама ҳам, Руҳоний ҳам нутқ сўзлайди. Агар улар ҳақиқатан ҳам учрашишса, бу АҚШ билан Эрон етакчиларининг 1977 йилдан бери биринчи учрашуви бўлади.

Мамлакатдаги илк масжид

Словениянинг Люблян шаҳрида илк ислом маданият марказининг дастлабки гиштини қўйишга бағишланган тағатна бўлиб ўтди.

Унда хорижлик меҳмонлар ва минглаб мусулмонлар билан бирга мамлакат бош вазири Аленки Братушек ҳам қатнашди. Марказ майдони 11 минг квадрат метрни ташкил этиб, бу ерда масжид ва баландлиги 40 метрли минора, ўқув ва спорт марказлари, кутубхона ва ётоқдан иборат мажмуа бунёд этилади. Уч йил давомида қуриладиган мазкур объект қиймати 12 миллион евро деб баҳоланмоқда.

Интернет маълумотлари асосида Ф.КОМРОН тайёрлади.

Large advertisement for ASAKA BANK (OAJ). Includes the bank logo, slogan «ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!», and a list of branches with contact numbers.